Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 10 апрель, шанба

№ 64 (21.415).

ВАТАН—МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

ЯКДИЛ ЯККАСАРОЙЛИКЛАР

Тошкент шаҳридаги 1-Яккасарой маҳалласида уюштирилган Наврўз меҳмондорчилигидан қайтаётганимизда шундай савол-жавоб — таассуротнинг гувоҳи бўлдик:

— Ҳалимни жа боплашибди-а?

— Билмайсизми, улар бундай таомлар тайёрлашнинг пири бўлиб кетишган.

— Ҳамма нарса рисоладагидай, меҳмон кутиш ҳам, дастурхон ҳам, кузатиш ҳам.

— Қўшни маҳалла кишиларининг қўлини кўксига қўйиб туришларини айтмайсизми!

— Чунки, яккасаройликлар улар билан ниҳоятда қалин, аҳил. Шундай тадбир ёки тўй-маъракаларида бирга бўлишади, ёрдамлашишади-да.

— Шаҳарнинг ярми кўчиб келдиёв. Лекин шошиб қолишмади.

Эртаси куни маҳалла дастурхонига тортилган сумалакнинг мазаси ҳам одамларнинг оғзида қолди. Тунни тонгга улаб, алёру лапарлар айтиб, қутлуғ таом пиширган аёлларнинг пазандалигини ҳам барча бирдай эътироф этди...

...Шулар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр бундан етти йил бурун худди шундай баҳор кунларининг бирида бўлган кичик бир воқеани эсладим.

Ўзбекистон радиосининг залида Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастасининг янги дастури премьераси намойиш этилди. Бошқалар қатори мен ҳам биринчи навбатда устоз санъаткор Ориф Алимаҳсумовни ижодий ютуқ билан табрикладим.

Шунда, у киши кулиб:

— Энди эртага маҳалламизда бўладиган премьерага таклиф қиламан, — деди.

— Нима, у ерда ҳам дастра тузганмисиз?

— Йўқ, маҳалламиз қўмитасига раис қилиб сайланди. Эртага илк иш куним. Эплаб кетаолармиканман?

— Ҳеч шубҳасиз. Ахир, у ернинг ҳам ёнингизда турадиган Ҳотамовлари, Ражабийлари, Исмоиловлари, Лутфуллаевлари бор.

— Тўғри, лекин, энг муҳими, «премьера» учун ниҳоятда керак бўладиган Саройи бор-ку!

Кулишдик.

Юнус Ражабийдай буюк санъаткорнинг энг ишончли шогирди, миллий мақом санъатимизнинг чинакам фидойиси, эл суйган ҳофиз устози оламдан ўтгач, у тузган довруқли ижодий жамога муносиб раҳбарлик қилган ажойиб инсон ва ташкилотчининг бир маҳаллани бошқариб кетиши қийин эмасди.

СУРАТДА: Ориф ҳожи Алимаҳсумов маҳалла фаоллари даврасида.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Янги раис аввал узоқ йиллар турли меҳнат жабҳаларида тер тўкиб, иззат-обрў топган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган маҳалла фаоллари — Мўминжон ота, Фатхулла Эргашев, Қаюм Одилов, Юнус Йўлдошев, Миржамол Жалилов, Икромбек Отабековлар билан бафуржа фикрлашиб, маслаҳатлашиб олди.

Маслаҳат-ла бошланса ҳар иш, кам бўлади албатта ташвиш, деб бежиз айтилмаган. Мулоқотлар, кенгашлар натижасида янада кучайган якдиллик, ўзаро ишонч кўп ўтмай ўз самарасини берди.

Қарийб олти юз хонадони, икки мингга яқин оиласи бўлган 1-Яккасарой маҳалласида фаоллар иштирокида тузилган режалар рўёбга чиқа бошлади. Ўн километрдан ортиқ кўчада канализация ишлари амалга оширилди. Кўчалар бутунлай асфальтланди. Йўлкалар янгиланди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд ёғоч устунларнинг ўрнига бетон устунлар ўрнатилиб, электр тармоқлари алмаштирилди. Мевали дарахтлар кўпайтирилди. Маҳалла чойхонасини таъмирлаш чоғида бир миллион сўмлик иш бажарилди. Халқ мунтазам келиб турадиган яна бир маскан—маҳалла масжиди ҳам ёддан чиқмади. У зарур эҳтиёждаги нарсалар билан таъминланди.

— Бахтимизга юртимизда мустақиллик қуёши балқиб, имкониятлар янада кенгайди, — дейди Ориф ота. — Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бошқа долзарб масалалар қаторида маҳалла ишларига ҳам алоҳида эътибор бериши кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Республикамизда «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилиб, унга давлат ҳисобидан миллион-миллион пул ажратилиши қайси юртда бор?! Бу Ватан маҳалладан бошланади, деган ҳикматни улуғлаш эмасми! Мана шундай катта ғамхўрлик бўлмаганида жуда кўп ниятларимиз, режаларимиз орзулигича қолиб кетарди.

Яккасаройликларнинг дадил эзгу изланишларини шаҳар ва туман раҳбарияти, қолаверса, республика «Маҳалла» хайрия фонди қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ёрдамга эҳтиёж сезилса, албатта уюштирилади. Бирон бир оммавий тадбир йўқки, уларнинг вакили иштирок этмаган ёки ташкилий ишларда қатнашмаган бўлсин.

Маҳаллақўм раиси ўзларига беминнат ёрдам кўрсатаётган давлат идоралари ва жамоат ташкилотларини эзозлаб «чинорларимиз» дейди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Яккасарой район кенгаши ва унинг ҳудудий партия ташкилоти маҳалланинг ана шундай таянчларидир. Аввало шуни таъкидлаш керакки, гўшада ўндан ортиқ партия аъзоси яшайди. Ҳаммаси маҳалла жонкуяри, раиснинг ишончли ёрдамчиларидир. Айримлари қўмита комиссияларини бошқаради. Муҳандис Қобил Маъдиевни ўзларига етакчи қилиб сайлашган.

— 1-Яккасарой маҳалласи билан ҳам, унинг қўшниси 2-Яккасарой маҳалласи билан ҳам бирдай фахрланамиз, — дейди Ўзбекистон ХДП район кенгашининг биринчи котиби Зиёдулла Давронов. — Озода, тинч, баҳамжиҳат гўшалар. Бу маҳаллаларга оилавий уруш-жанжал, қўйдирчиқдилар бутунлай ёт. Негаки, бу гўшаларнинг одамлари ғоятда меҳр-оқибатли. 2-Яккасарой маҳалласининг раҳбари ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топган ажойиб инсон. Маҳалла аҳли Солих Аюбов бошчилигида мақтанса арзийдиган ишларни амалга оширмоқда. Бу ерда ҳам аллақачон ҳудудий партия ташкилоти тузилган. Тоҳир Абдурасулов етакчилик қилаётган партия ташкилоти маҳалланинг барча тадбиру байрамларида, тўю маъракаларида бош-қош. Иккала ёндош, жондош, қўшни маҳалланинг муваффақиятларида бошланғич партия ташкилотлари кўшаётган ҳиссадан ҳам фахрланамиз.

Биринчи котиб бу гапларни узоқдан туриб айтаётгани йўқ. Уни маҳаллаларда кўп кўрганман. Ҳозирги мураккаб иқтисодий даврда, минг хил ахборотлар ҳар секундда «потиллаб» турган бир пайтда маҳалла раислари ва район партия кенгаши етакчилари биргаликда, ўзаро алоқа ва ҳамкорликда иш олиб бормаса бўладими? Лоф туюлса ҳам айтиш мумкинки, иккала маҳалланинг истаган фахрийси ҳозирги халқаро аҳвол, сиёсий воқеалар ҳақида сиз билан бемалол баҳслаша олади. Чунки улар кундалик газета, теле ва радио ахборотлардан ташқари туман партия кенгаши мунтазам уюштириб турадиган сиёсий мавзудаги суҳбатлардан, учрашувлардан ҳам баҳраманддирлар. Оммавий-маданий тадбирларнинг муттасил юксак савияда ўтказилиб келинаётгани сири ҳам худди мана шу ҳамкорликда.

1-Яккасарой маҳалласи ҳудудида бир қатор йирик корхоналар ва ташкилотлар жойлашган. «Узмежавтодортранс», 2502-автокорхона, «Химчистка» фабрикаси, ХПП қурилиш ташкилоти ана шундай идоралардан. Яккасаройликларнинг хайрли изланишларини кўрган ташкилот раҳбарлари уларга ҳомийлик қилажакларини билдирдилар. Бу таклиф, ҳиммат эндиликда ажойиб анъанага айланиб кетди.

Маҳалла ютуқларини масжид имоми Абдураҳмон Ҳожи Раҳматулло ўғли, меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Шомил Кафизов, ўртоқлик суди раиси Илҳом Исроилов, озодалик комиссияси раҳбари Ҳожимурод Рихсиев, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Шералиева, унинг муовини Ҳакимахон Ғозиева, ёшлар билан ишлаш комиссияси етакчиси Нўъмон Низомовларнинг ҳиссасисиз тасаввур қилолмаймиз. Маҳаллақўм томонидан нима иш таклиф этилса, улар ўз вақтида бажаришади, тўйми-таъзиями, бирдай белни маҳкам боғлаб туришади. Лоқайдлик, мулоҳазасизлик уларга асло хос эмас.

Тошкентнинг бошқа маҳаллаларига алоқадор муаммолар 1-Яккасарой маҳалласида ҳам учрайди. Масалан, келгусида маҳалла чойхонасини кенгайтириш, маҳаллақўм биносини янги жойга кўчириш, шунингдек, маҳалладаги қабристоннинг тор ҳудудини ўйлаб кўриш ҳам кўзда тутилган. Бу эзгу, хайрли режалар ўзининг ижобий якунини топишига ишонамиз. Чунки, яккасаройликлар қадрдон қўшнилари билан ҳам, қолаверса, Яккасарой районы раҳбарияти билан ҳам якдил кишилардир.

Юсуф БЕРДИЕВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

АТАМАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Термизда «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қўлланиладиган ўзбекча атамалар» мавзусида республика илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Унда Термиз давлат дорилфунуни билан Тошкент давлат жисмоний тарбия институти етакчи олимларининг «Атамалар тарихимиз ва маънавиятимиз кўзгусидир», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Жисмоний тарбия атамалари бебаҳо қадриятимиздир» мавзуидаги маърузалари тингланди.

ҚИШЛОҚ ҚАНДОЛАТЧИЛАРИ

Ёзёвон туманига қарашли Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида иш бошлаган «Мадад» кичик корхонаси турли ширинликлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қандолатчилар ҳар куни 100-150 килограмм маҳсулот тайёрлаб, фуқаролар дастурхонини бойитмоқда. Ширинликлар корхона дўкони орқали сотиляпти.

ПАХТАКОРДА БОЗОР

Пахтакор шаҳри йилдан-йилга кенгайиб, кўркамлашиб боряпти. Кўплаб турар-жой ва маъмурий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда шаҳар аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Умумий сатҳи минг квадрат метрдан иборат усти ёпиқ бозор биноси қуриб битказилди. Савдо ходимларига ҳам, харидорларга ҳам бир қанча қулайликлар яратилди.

ХЎЖАЛИК МУЛКИГА АЙЛАНДИ

Ангор тумани марказидаги умумий овқатланиш корхонасига қарашли «Ойбарчин» ошхонаси ва унинг ёнидаги чойхона «Мустақиллик» жамоа хўжалигининг мулки бўлиб қолди.

— Мулкни хусусийлаштириш қонунига асосан уларни сотиб олдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Тўра Массиев.— Бундан катта моддий манфаат кўриш мўлжалланмоқда. Чунки ошхонага керакли масаллиқлар хўжалигимизнинг ўзида етиштирилади. Қолаверса, ошхона жамоасига сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиб берамиз.

Катта Анҳор ёқасида шарқона усулда қурилган «Ойбарчин» энди хўрандаларнинг севимли масканига айланиши муқаррар.

(ЎзА мухбирлари).

ЭКИШ АВЖИДА

Шаҳрисабз райони хўжаликларида кўкламги экиш-тикиш ишлари авж олдирилмоқда. Етилган майдонларга пешмапеш ҳашаки лавлаги, маккажўхори, картошка, беда экилаётир. Бобур номли жамоа хўжалигида 10 гектар майдонга, Ж. Элбоев номли жамоа хўжалигида 6 гектар майдонга озуқабоп экин — ҳашаки лавлаги уруғи сепилди.

Улуғбек номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил картошкадан юқори ҳосил олишни мўлжаллаяптилар. Шу мақсадда барча техника ва ишчи кучидан фойдаланиб, 15 гектар майдонга картошка экилди. Шунингдек, П. Шербобоев номли жамоа хўжалиги сабзавоткорлари ҳам 6 гектар майдонга картошка экишни ниҳоясига етказдилар.

Бу йил районда 1302 гектар ерда янги бедазор яратиш кўзда тутилган. Чорва моллари учун озуқа муаммосини ҳал этишга бел боғлаган хўжалик деҳқонлари беда экишни соз ва сифатли тугалладилар. Биргина Амир Темур номли жамоа хўжалиги 143 гектар майдонга сара уруғ сепиб, янги бедазор яратди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ҳаётидан

МУҲИМ МАВЗУДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

9 апрель куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Тошкент вилоятидаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари, барча туман, шаҳар партия кенгашларининг котиблари ва масъул ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов кириш сўзи билан очди ва «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, тарих фанлари номзоди М. Қирғизбоев «Мафкуравий ва ички партиявий ишнинг баъзи бир муаммолари ҳақида», Марказий Кенгаш котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Саидов «Қўппартиялилик шароитида Ўзбекистон ХДПнинг фаолияти» мавзусида, Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг иш фаолияти ва бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш юзасидан асосий вазифалари» тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов «Ўзбекистон ХДП: ислоҳотлар машаққатлари» мавзусида маъруза қилдилар.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг яқинда ўтказилган ва Ўзбекистон ХДПнинг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифаларини муҳокама қилган мажлиси қарорига мувофиқ ушбу семинарда бошланғич партия ташкилотларининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзусидаги очиқ партия йиғилишларини уюшқоқлик билан, пухта ва жонли ўтказиш ҳақида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, партия амалий фаолиятининг долзарб масалалари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибалари юзасидан очиқ мулоқот ва савол-жавоблар бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Партия аъзоларининг омма билан учрашувлари одат тусига кириб бормоқда. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши фаолларининг Қарши локомотив депосида ишчилар билан бўлган учрашуви меъзонга айланган йиғилишлардан бутунлай фарқ қилиб турди.

— Бундай йиғилишларга одамлар келмасликлари мумкин, — деди депо касаба уюшма қўмитаси раиси З. Темиров. — Чунки иларигаи қуруқ сўзамонлик кишиларни зериктириб қўйганди. Лекин амалий иш ҳақидаги жонли мулоқот, дилдан қизиқарли суҳбат очиғи ҳаммани ўзига жалб қилди. Улар республикамизнинг тараққиёт ва истиқлол йўлидан, ҳозирги мураккаб вазиятда вилоят ҳокимлиги ва партия раҳбарияти олиб бораётган ишлардан воқиф бўлдилар.

Учрашувга ташриф буюрган ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби П. С. Бердиев ва ижтимоий-сиёсий марказ вакиллари Б. Норқобилов, Б. Ҳайборовлар мулоқот мавзуини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларига қаратдилар.

— Китобларда бир қатор масалалар билан бирга, адолатни қарор топтириш, инсонни ижтимоий ҳимоялаш, келажагимиз равнақи биринчи ўринга қўйилган, — дейди вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби суҳбат давомида. — Депочиларнинг чайқовчиликнинг авж олаётганлиги, дўконларда нарх устига нарх қўйиб сотиш авжига чиқаётганлиги, дориларнинг давлат нархида харид қилишнинг иложи бўлмай қолганлиги тўғрисидаги гап-сўзларида жон бор.

Агар биз ўзимиз чайқовчилар ва олибсотарларга қарши астойдил курашмас эканмиз, Президентимизнинг қарори қуруқ гап бўлиб қолаверади. Афсуски, бундай пайтда тартиб ўрнатишга биргина милиция ходимлари қодир эмас. Уларга жамоатчилик кўмаги зарур.

Партия фаоллари билан худди шундай учрашувлар Ғузор ва Қамаши районларида, Қарши кооператив техникумида ҳам бўлиб ўтди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

9 апрелда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят кенгашининг биринчи котиби Ж. К. Нуруллаев партия ташкилотларининг жамоат ташкилотлари, партиялар, ҳаракатлар билан ўзаро муносабатлари ва сиёсий ҳамкорлиги тўғрисида маъруза қилди.

Пленумда ижроия бюросининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойи ва вилоят партия ташкилотининг таъсис конференцияси қарорларини бажариш бўйича маълумотномаси муҳокама қилинди. Бу тўғрида вилоят кенгашининг иккинчи котиби Х. Ж. Жумабоев маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда вилоят партия кенгаши 1992 йил бюджетининг ижроси ва 1993 йил бюджети режалари бўйича ахборот ҳам тингланди.

Пленум кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди. Унинг ишида вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров қатнашди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Омон МАТЖОН

Ўзбекистон халқ шоири

ШУКРОНА

Ер оламнинг аввал боши
Ҳақ таоло кўнглимдадир.
Еру кўкнинг мард сирдоши
Расулулло кўнглимдадир.

Қолмиш эдик хору нолон,
Миллат учун бўлди қалқон
Толе назар қилган инсон,
Буюк сиймо кўнглимдадир.

Истиқлолнинг қаҳрамони,
Қўл—ишда, дилда—Қуръони.
Турон замин паҳлавони —
Ислом подшо кўнглимдадир.

Келди илоҳий бир неъмат,
Тожли-тахтли улуғ давлат,
Эркин виқор, олий ният —
Доруссафо кўнглимдадир.

Сас берди Яссавий пирим,
Ғайти Боқирғоний шерим,
Сафга турди Замахшарим,
Азми Кубро кўнглимдадир.

Бахоуддин қўлин тутган,
Мир Алишер йўлин тутган,
Бош устида элин тутган
Ҳоким-доно кўнглимдадир.

Энди ҳурман ва ўзимман,
Тоза назар, тик размман,
Тор узра титраган симман,
Сақил наво кўнглимдадир.

Сув сўрасам шарбат тутган,
Саҳвим кечиб, заҳрим ютган,
Кўкка боқсам елка тутган
Дўст ошино кўнглимдадир.

Ақлу ҳушим сирда бугун,
Икки кўзим нурда бугун,
Нафсим бурда-бурда бугун —
Раҳмат дарё кўнглимдадир.

Ҳамроз менга тўрт шўх ирмоқ,
Кўк йилдирим, яшил байроқ,
Кескир тизгин, оқ арғумоқ,
Учқур зиё кўнглимдадир.

Касбим—шеърда кўрмакдир фол,
Ёруғ варақ — бедор хаёл,
Илҳом булоғи Истиқлол,
Зўр муддао кўнглимдадир.

Ўзбекистон — Қуёш ўғли,
Кўзи юлдузларга тўғри,
Ўн саккиз минг олам боғли
Оҳангграбо кўнглимдадир.

Кўз тегмасин Қуёшимга,
Аҳил уйим — тинч ошимга,
Ҳақ ёр бўлсин юртбошимга,
Мангу садо кўнглимдадир!

• *Диққат, янгилик!*

УРУҒ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

Ўзбекистонлик деҳқонлар шу пайтгача уруғлик картошкани Россия, Беларус, Украинадан олишарди. Хўжалик алоқаларининг узилиши оқибатида уруғлик картошка таъминоти издан чиқди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йил Ўзбекистон ҳукумати Голландиядан 45 минг тонна сарҳил картошка уруғи ва уни етиштириш технологиясини сотиб олиш учун 15,5 миллион доллар ҳамда 56 минг тонна пахта толаси ажратди. Келгуси йилдан бошлаб республикамиз ташқаридан картошка уруғи сотиб олишни тўхтатади.

Вазирлик масъул ходимларининг шаҳодат беришича, шу йил минг гектар ерга Голландиядан келтирилган уруғлик картошка экилади. Мутахассисларнинг тахмин қилишларича, ҳар гектар ердан 300 центнер ҳосил олиш кутилмоқда. Бу ҳосилнинг асосий қисми 1994 йилда экиш учун олиб қўйилади.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС. 9 апрель (ЎзА). Бугун бу ерда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бошланди.

Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар лойиҳани моддама-модда муҳокама этганларидан кейин Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Конституция қабул этилган 9 апрель — умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Сессияда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат рамзи қабул этилди, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев сессияда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Олий Кенгаш номидан депутатларни, улар орқали бутун қорақалпоқ халқини тарихий воқеа — Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингани билан муборакбод этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.



БИЗНИНГ КЎЧАДА БАЙРАМ...

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 75 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимиздаги энг кекса, миллий кундалик газета «Ўзбекистон овози» ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаш арафасида. Яна ўн ҳафта ўтиб — 1993 йил 21 июнда газета дастлабки сони муштарийларга етиб борганининг 75 йиллигини байрам қилади.

(Давоми иккинчи бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

НАЗАРМАТ

МАНГУ ОНА

ОНА ҚОРНИДАН ингалаб тушган чақалоқнинг киндик қонини она замин бағрига сингдириб олиб, ўз меҳри билан унга дилбанд умр ато этар экан, бу дилбандлик, пайвандлик, фарзандлик ҳар бир инсон йўлида табаррук ҳамроҳи бўлиб, бутун ҳаёти бўйлаб машъалага айланиб, кўнгил ойнасида доимо намоён бўлар экан. Шунинг учун ўз туғилган жойидан турли сабаблар билан ўзга олис бегона мамлакатларга мусофир бўлиб кетиб қолган, ўша ўзга элларнинг фуқаросига айланган кишилар болалиги ўтган, ота-онасининг ҳоки қолган юртини қўмсаб, унинг тупроғини кўзга суртишни ўйлаб, хаёлга берилганларида илоҳий ички соғинч ҳиссиётлари уларни она юртлари томонга тортар экан.

Мен саёҳатчи бўлиб дунё кезган эмасман. Иккинчи жаҳон урушида ўша СССР деб номланган иттифоқчи давлатнинг бир республикаси бўлган Ўзбекистон фарзанди сифатида олис, оловли йўлларга отланганман. Тўрт йил қонли майдонларда ўз фарзандлик бурчимни взвод командири, мото-ўқчи батальон командирининг ўринбосари ва уруш охирида ҳарбий мухбир сифатида Россия, Белоруссия, Украина, Польша, Чехословакия ва охири бизга уруш бошлаган фашистлар Германиясида баҳодир жангчи юртдошларимиз қаторида инсоний озодлиги, она Ватанимиз хавфсизлиги ва бугунги мўътабар диёримизнинг мустақиллиги, унинг гуллаб-яшнаши учун жангларда бўлганман.

Жангоҳларда қандай хизматда бўлмай, бир қўлимда қурол, бир қўлимда қалам бўлган. Қурол жангга йўллаган, қалам эса жанг таассуротларини она Ватанимга етказиб турган. Бугун ўзининг шонли 75 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган жонажон «Ўзбекистон овози» газетамизнинг ҳар бир сонини жанггоҳларда сабрсизлик билан кутардик. У она юртимиздан келадиган элимизнинг ягона жанговор овози, халқимизнинг мўътабар васиятномаси эди. Уни шинелимиз остида аввалаб-асраб, ҳужум жангларига ташланардик. Шиддатли олишувлар орасида бошланган бир зумлик осойишта дамларда чуқур ҳандақларда, зах ертўлаларда ўтириб уни ўқирдик. Фақат ўқибгина қолмай, у билан фикрлашишни, суҳбатлашишни истардик. Унга номалар, шеърлар йўллардик.

Уруш бошланганда мен Самарқанд давлат дорилфунунининг филология факультетини тамомлаб, битириш имтиҳонларини топшираётган эдим. Мен Шароф Рашидов билан бир хонада турардим. Биз юқори курс талабалари эдик. Уруш диплом олишимизни пойлаб турган экан деб ўйлардик. Диплом уйда қолди. Урушнинг биринчи кунида Шароф Рашидов «Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим қилич» деган жанговар шеър ёзди. Бу қасамёд шеърни дилда такрорлаб, кўп вақт ўтмай биринчилардан бўлиб фронтга кетди. Ундан кейин биз бошқа талабалар ҳам бирин-кетин жангоҳга йўл олдик. Мен ҳам урушнинг биринчи кунида шеър ёзиб, уни дорилфунунни битирувчилар йиғинида ўқиганман. Унда бундай мисралар бор эди:

Бирга ўқиб ўсган биродарларим,
Жангга чорламоқда бугун Ватаним,
Тайёрмиз биз унинг хизмат, бурчига,
Тайёрмиз юборса қайси бурчига.

Болалигим нотинч, қаттиқ ҳаёт жабҳаларида ўтган. Акам Аширмат шоир эди. У катта ижод йўлини босиб, 51 ёшида вафот этди. Ундан 30 дан ортиқ шеърий ва насрий асарлар қолди. Менинг ҳам йигирмадан ортиқ шеърий тўпламларим ва таржималарим мўътабар китобхонлар қўлларига етиб борган. Уруш бошланганда биз уч ака-ука фронтга отландик. Офицер, командир бўлиб жангларда қатнашдик. Акам Аширмат 1943 йилнинг бошларида Елная, Касторное ерларидаги қаттиқ жангларда қатнашиб, 1943 йил 11 мартда «Қизил Ўзбекистон» редакциясига бундай хат жўнатади: **«Мен хизмат қилаётган қисм жангчилари ҳужум пайтларида жуда кўп ботирлик ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Бир қаттиқ жангда қатнашиб, ўнг оёғимдан яраландим, аммо касалхонага бормасдан сафда юриб даволандим. Бир жангда ҳал қилувчи роль ўйнаганим учун мени қўмондонлик Қизил Байроқ ордени билан мукофотлашга ёзиб юборди. Олсам суратга тушиб хотира учун юбораман.**

Мен билан бирга бўлган ўзбек йигитлари ўзбекнинг мағрур номини оловдан, вабодан сақлаб, зўр дарёлардан шараф билан олиб ўтмоқдалар. Мен уларнинг номини сизга ва сизлар орқали ўзбек халқига етказиш учун уйқунинг баҳридан кечаман ва тирик эканман қўлимдан келган хизматни қиламан.

АШИРМАТ».

Мен уларнинг ҳаётини ёзишдан мақсадим, она-Ватан тақдирини ўз тақдиримиз деб билишимизни айтиш эди. Бизни янги жангларга руҳлантирган матбуотимизнинг қадрини ёдга олиш эди. 1944 йил декабрида Ўзбекистон жумҳуриятининг 20 йиллиги нишонланди. Бу тўйга шеъримда бундай мисралар бор эди:

Тўйингни жангларда нишонлаймиз биз,
Сени ўзгаларга ишонмаймиз биз.

Мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг эл суйиб, ўқиб келаётган газетаси «Ўзбекистон овози»нинг тўйи биз кекса муштарийларнинг ҳам тўйи деб биламиз. Мен шу дорилфунун таълимини олиб вояга етганлардан бириман. Тақдирнинг тақозосини қарангки, урушни тамомлаб, тинч меҳнат фаолиятимни 1947 йилда шу қадрдон газетада бошлаганман.

ЮҚОРИДА айтганимдай, жанггоҳларда юрган вақтимда бу газетада шеърларим чоп этилганини кўриб, бошим осмонга етган. Уша уруш йилларида жанг майдонларидан юборган шеърларимдан айримларини айтиб ўтмоқчиман: «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1943 йил 17 октябрь сонида «Жанг» деган шеърим эълон қилинди. Унда бундай тўртликни ёзганман:

Кўнгилда ўч, қасос, кўзларда ғазаб,
Зарбамиз душманга ўлим келтирар,
Таланган ерларга эрк бермоқдамиз
Қўлларда ол байроқ ғолиб ҳилпирар.

Шу газетанинг 1943 йил 22 декабрида «Днепрдан Сирдарёга хат», 1944 йил 26 январида «Белоруссия ўрмонларида», 1944 йил 27 февралида «Жанг йўлларида», 1944 йил 31 майда «Кут, қайтаман», 1944 йил 3 сентябрида «Ўзбек йигити» шеърларим эълон қилинган. 1944 йил 5 май сонида эса газета ходимлари атоқли шоирлар Ҳамид Ғулом билан Зафар Диёрнинг «Қалам ва қурол» деган мақоласида акам билан менинг ҳақимда бундай ёзилган: **«Аширматнинг жанг майдонидаги жозибадор мисралари тасвирга моҳир қаламнинг гўзал маҳсулидир. Аширматнинг укаси Назармат ҳам Белоруссия ўрмонларида жанг қилиб, немис газандаларини ўз қурол ўти ва ўз қалам оташи билан қийратмоқда».**

Яхши сўз ва самимий эътибор кишига қаноат бағишлар экан, кишини ҳамма вақт олдинга, она-Ватан учун ҳалол ва фидойи бўлиб хизмат этишга етаклар экан. Ҳа, қадрдон газетамиз «Қизил Ўзбекистон» уруш йилларида биз жангчиларни ҳар бир сўзи билан ғалаба сари йўллар эди.

Мен мангу она ҳақида бошда сўз юритган эдим. Ҳа, мангу она бор. Уни дунёда ҳеч нарсага таққослаб бўлмайди. У ягона, мангу мўътабар эрур. Уни доимо омон бўлишини биз жигаргўшалари истаймиз. Биз унинг фарзандларимиз. Эл ўғлонларининг жасоратлари, меҳру оқибатлари тарихий китобларда, афсоналарда ёритилган. У диёримизнинг беқиёс улкан қалби бўлган.

Мангу она деганда олис ўтмиш кўз олдимда намоён бўлади. Четдан келган босқинчларни жазирама чўлга элтиб, ҳалокатга учратган Широқнинг жасорати, Искандар Зулқарнайнга қарши исён кўтарган Спитамен қаҳрамонлиги, араб босқинчиларига қарши даҳшат солган Муқанна фидойиликлари, ўн учинчи аср бошларида мўғул босқини ёвузликларига қарши халқ лашкарларини тузиб, ғазавот эълон қилиб, курашга кўтарган буюк ватанпарвар қассоскор Маҳмуд Таробийнинг баҳодирликларини халқимиз ўз юрагида мангу сақлаб келади.

Келинг, Ватан урушини олиб кўрайлик. Унинг тўрт йиллик шиддатли, қонли жанггоҳларида мислсиз жасоратлар кўрсатган қанча маълум, машҳур ва қанча номаълум кетган она-Ватанимиз баҳодирлари бўлган. Немис-фашист қўшинлари Москва, Ленинград бўсағаларигача, Кавказ тоғларига ва Волга бўйигача етиб келиб, қирғинбаротни авж олдирганларида уларнинг қонли йўлларини тўсишга Ўрта Осиё ва Сибирь ерларидан неча ўн минглаб эл фарзандлари Кавказ тоғларидан Ленинград остоналаригача бўлган кенг жанг майдонларида мислсиз жасоратлар кўрсатганлар. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бошлиқларининг Минск учрашуви чоғида Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўришга бир овоздан қарор қилдилар. Бу хушхабар ҳамдўстлик мамлакатлари фуқароларига, шу жумладан бизнинг жумҳурият аҳолисига, айниқса биз кекса уруш фахрийларига катта шодиёналик бўлди. Чунки катта қурбонлар бериб, мамлакатларимизни фашизм хавфидан сақлаб қолганмиз.

Ҳа, урушда она юртимизнинг қанча маълум, машҳур ва қанча номаълум баҳодирлари бўлган. Уларнинг ичида қуршовда қолиб, партизан бўлганлари ва ашаддий ёв билан шафқатсиз олишиб, бош эгмай ҳалок бўлиб, излари билинмай кетган ҳамюрт паҳлавонларимиз қанча бўлган.

Бир партизан юртдошимиз ҳақида сўзлаб берай. Белоруссия пойтахти Минск яқинидаги бир қишлоқда партизанларнинг ўртоқлик қабристони бор. Шу қабристоннинг ўртасидаги бир қабр ёдгорлигида «Баҳодир партизан ўзбек халқининг қаҳрамон фарзанди Ғанитой Тошниёзов» деган ёзувга кўзимиз тушади. Уруш бошлангандан Тошкентдаги қурилиш техникумининг талабаси бўлган Ғанитой Тошниёзов Белоруссиянинг ғарбий чегарасида ҳарбий хизматда бўлади. У жангчи шериклари билан урушнинг биринчи кунида ёв йўлини тўсишга туради. Унинг қисми чегарани бузиб, ёпирилиб, ҳамла қилиб келаётган фашист босқинчиларига қаттиқ зарбалар беради. Лекин ёв катта куч билан олдинга ташланади. Ғанитойнинг қисми охирги одами қолгунча жанг қилади, фақат ярадорларгина қолиб, улар ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатиб, чекиниб ўрмон ичкарисига ўтадилар ва даволаниб урушни давом эттирадилар. Қуршовда қолган Ғанитой ёв таъқибидан ўзини панага олиб, янги ташкил этилган белорус партизанларига қўшилади. Энди унинг янги жанговар ҳаёти бошланади. Партизанлар шифокори уни даволаб оёққа турғазади. Ғанитой поездларни портлатувчи қассоскорга айланади. У кичик жанговар отрядга бош бўлиб, фашистларнинг қурол, аслаҳалари ва одамлари кетаётган 14 та темир йўл эшелонларини портлатиб, жарга қулатади. У яна шундай бир муҳим топшириқни бажариб, лагерга қайтаётганда ёв қароқчилари тўдасига дуч келади ва жанг бошлайди, ўнга яқин душман одамларини қиради. Ўзи эса қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Фарзандларимизнинг она-Ватанларига бўлган меҳру оқибатлари бугунги мустақил диёримизда қандай кечаётганлигини ўйлайман. Мустақил озод диёримиз чегараларини фарзандларимиз сергаклик билан қўриқламоқдалар. Энди ўз қўшинимиз, ўз посбонларимиз, ўз гвардиямиз бор. Умридан барака топгур фарзандларимиз мардонавор хизмат қилиб келмоқдалар. Улар сўнгги нафаслари қолгунча она-Ватанларига садоқатли хизмат қилишига қасамёд қилмоқдалар. Лекин бундай баҳодирлир ичида, гуруч ичида курмак чиққанидай, гоҳида хизмат жойини ташлаб «қуён» бўлаётган айрим бебурд йигитларимиз ҳам учрамоқда. Тўқликка шўхлик деганларидай қаттиқ интизом, тартиб талаб этган ҳарбий ҳаётга бардош этолмай ўзини четга олган бундай фарзандларимиз ҳарбий судлар ҳукми билан белбоғлари ечилиб, интизом бўлинмаларида қора ишларни бажаришга мажбур қилинмоқдалар. Буюк Ўзбекистонимизнинг буюк қалбини сезайлик. Унга садоқатли хизмат қилайлик. Ислом шоир ўзбекнинг юраги шернинг юраги деган. Ўзбек курашда, Ватан олдидаги бурчини бажаришда ҳеч қачон сўзидан қайтган эмас. Ватан ва унда туғилган инсон бир тану, бир жондир. Ватан хизматини унутган кишилар бошларига қора булутлар ёпирилганини тарих китобларида кўп ўқиганмиз.

Энди мустақил диёримизда ҳамма нарса, ҳамма яратувчилик қудрати ўзимизда қолган. Жонажон юртимизнинг отаси, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов элимизни истиқболи буюк келажак сари бошлаб бормоқда. Халқимизнинг ҳамжиҳатлик, қўлни-қўлга бериб, она-Ватанимизни дунёнинг пешқадам давлатларидан бирига айлантириш учун қатъиятли, жасоратли бўлиб хизмат этишни бугунги ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда. Биз кекса уруш ва меҳнат фахрийлари Ватанимиз бошига оғир хатарли кунлар тушганда жонимизни аямай, уни душман ҳамласидан, талон-торожлардан омон сақлаб, бугунги бахтли кунларга етиб келганмиз. Буюк келажагимизнинг азму иродаси бизларда, иқтидорли забардаст авлодларимизда эканлигини яхши биламиз. Унинг нурли манзиллари сари интиламиз. Ҳа жонажон Ватанимиз бизнинг мангу онамиздир. Биз унга лойиқ фарзандлар бўлайлик.

Бир марта туғилар онадан инсон,
Ва битта бўлғуси онаизори,
Жанггоҳда Ватанни дедим онажон.
Йўқ экан усиз бахт, она дийдори.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Таниқли шоир ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Назармат Эгамназаров олтмиш йилдан буён самарали ижод қилиб келмоқда. У 1941 йилда Самарқанд Давлат дорилфунунини тамомлаганда Улуғ Ватан уруши бошланади. Тула шаҳридан то Берлингача бўлган оловли йўлларни босиб ўтади. У жанггоҳларда ҳам қаламини қўлдан қўймайди. 1947 йили армиядан бўшаб «Қизил Ўзбекистон»да 1954 йилгача, сўнг «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида 1985 йилгача бўлим мудири бўлиб ишлади. У ҳозир нафақада, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

БОЖХОНА ХОДИМЛАРИ УЧУН

Бухорода пахта, пилла, қорақўл тери, тилла, уран ва бошқа маҳсулотлар сифат таркибини аниқлаш учун маҳсус лаборатория ташкил этишга киришилди. Бундай лабораториясиз божхона ходимлари хом ашё маҳсулотлари, турли гиёҳвандлик моддаларининг таркибини кимёвий текширувдан ўтказишлари амри маҳол.

Испаниялик божхона ходимлари кўмагида энг замонавий техника билан жиҳозлантириладиган мазкур лаборатория Қорақалпоғистон жумҳурияти, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари божхона ходимларига ҳам хизмат кўрсатади.

УЗУМЧИЛАР ШИРКАТИ

Когон районидаги «Гулистон» давлат хўжалиги ишчилар вакилларининг йиғилиши қарори билан узумчилар ширкатига айлантирилди. Бундан мақсад меҳнат жамоасига бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий зарар кўриш ўрнига самарали фаолият кўрсатиш учун имкониятлар яратишдир.

Районда яна бир неча хўжаликни ширкатларга айлантириш тадбирлари кўрилмоқда.

Нусратилло НАИМОВ.

ЯНГИ АВТОБУС САРОЙИ

Андижон шаҳридаги мавжуд автобус корхонасининг ҳовлиси тор эди. Автобусларни созлаш, таъмирлаш ва сақлашда катта қийинчилик туғилаётганди. Шаҳарнинг Бўстон маҳалласида янги автобус саройи қурилгач, бу муаммолар ҳал бўлди. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди. Уларнинг дам олишлари учун қулайлик яратилди.

Саройни 161-трестнинг 5-қурилиш бошқармаси меҳнат жамоаси барпо этди. Корхона атрофи обод қилинди. Саройга Жанубий Кореядан 5 та янги автобус келтирилди. Бундан ташқари ЛАЗ автобуслари ҳам сотиб олинди.

Автобус саройи шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларида аҳолига хизмат кўрсатади. Келгусида эса шаҳар ичи йўналишларида ҳам йўловчилар хизматида бўлади.

Анорбой ҚУРБОНБОЕВ,

• *ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА БАРОБАР*

ЖАРҚЎРҒОННИНГ БОЗОРИ БЕДАРВОЗАМИ?

Жарқўрғон бозорининг сабзавот растасида арақ сотиляпти, деган хабар матбуотда босилиши сабаб бўлибми ёки юқори идораларнинг топшириқларидан келиб чиқибми район ички ишлар бўлими, район давлат назорати ходимлари бозорни ўрганишди ва бир қатор ғайриқонуний ҳолатларнинг устидан чиқишди.

Турли-туман газмолни пештахтага ёйиб, матосини хаёлига келган нарх билан сотаётган киши ўзини Холмуродов Шокирман, деб таништирди. Қашқадарё вилоятининг Ғузор райони матлубот жамиятига қарашли 34-дўкон мудири экан. Узоқдан келган меҳмон Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексга риоя этмаганини тан олди ва беш минг сўм жарима тўлаб, уйига қайтди.

Кўчарова Манзура ҳам ўзини «Меҳмонман» деб таништирди. Қўшни Қизириқ районидан келиб, пойабзал сотиб ўтирибди. Пойабзалнинг нархи қанча, қаердан топган — бу ҳақдаги ҳужжатлари йўқ. Бир тадбиркорман, дейди. Бир кичик корхонаданман, дейди. Энди 2500 сўм жарима тўлайсиз, деган гапни эшитиб тили бийрон тортади. Тартиббузарлик қилганимнинг охири шу бўлсин, деб онт ичмоқчи бўлади. Хуллас, ўша куни кимдир бўғирсоқни, кимдир ҳасип ёки хамирли ошни ғайриқонуний сотиб турганлари аниқланди. Тартиббузарлар огоҳлантирилдилар. Улардан жарима ундирилди. Лекин... арақфурушлар тулкининг кўзга кўринмаслик ҳийласига амал қилишган чоғи, сувдан қуруқ чиқишди.

— Тартибни маҳаллий тадбиркорлар бузяпти, — дейди район давлат бош назоратчиси Хушбоқ Қурбонназаров. — Дўппини отсанг, бирон кичик корхонанинг устига бориб тушади. Ўрганиб кўрсанг, иши олиб-сотарлик. Ҳа, десанг, бунинг учун солиқ идорасидан рухсатимиз бор, деб гердайишади. Биз яқинда ана шундай «гердайиб қолган» 21 та кичик корхонанинг фаолиятини тўхтатдик. Бозорда ҳам тартиб бўлиб қолди...

Шу гапдан сўнг кўп ўтмай бир зарурат билан бозорга бордим ва тўғриси, яна ўша эски ҳаммому эски тоснинг устидан чиқдим. Бозор дарвозасининг шундоқ остонасида ярим литр арақни 850 сўм деб ўтирган, пиво, чет элнинг сигаретини сотаётган ва ўзини Норов Рашидман, деб таништирган йигитдан, қайси савдо ташкилотида ишлайсиз, деб сўрасангиз, «Сиз, нима, текширувчимисиз», дейди. «Бизга ёмонлик қиламан деяпсизми? Биз кичик корхонамиз», дейди. Бозорнинг тўрида арақфурушлик қилаётган йигитни-ку биров билан салом-алик қилишга тоби йўқ. Унинг авзойини кўриб, бир танишим, бу бозордан тупугини ютиб чиқадиган бўлиб қолди одам, деган гапни айтди.

Шу райондаги Ҳамид Олимжон номли ширкатнинг раиси Х. Боймуродовнинг бозордаги тартибдан хафа бўлганини айтинг: «1 февраль куни бир дона лампочкани бир ғўдайган йигит 55 сўмдан сотиб турган экан. Орадан икки соат ўтиб, ўша лампочкага харидор бўлсам, донасини 65 сўм дейди. Эй, бозорнинг директорини чақиртириб олдим. Бозорни бедарвоза қилиб ташлабсанлар, дедим.

Бозор ҳақидаги эшитганларимизни, кўрганларимизни, ўқиганларимизни унинг директорига — Мамат Ҳасановга айтдик. Ҳасановнинг жавоби қизиқ бўлди.

— Менинг укамни — Аҳмад Ҳасановни танийсизми? — деди.

— Район нефть маҳсулотлари таъминоти идорасининг бошлиғиними? — нийман. Узоғу яқин демай елиб-югуриб уч-тўрт районни шундай қийин шароитда ёнилғи билан таъминлаб турипти. Маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлаганида хайрия қилганларини эшитганман. Яхши одам,— дедим.

— Ана ўша яхши одам менинг укам бўлади, — деди Мамат ака. Сўнг қўшиб қўйди:— Қаранг, участкавойнинг хонаси ёпиқ. Бозорда постоянно турмайди. Солиқ инспекцияси бўлиб кўпларга олиб-сотарликка рухсат бериб қўйипти. Шундай бўлгандан кейин... Лекин, бозоримизни бедарвоза деб ёзманг, тағин.

Ҳасановнинг гапини район ҳокимининг ўринбосари Тоштемир Хайруллаевга айтдим.

— Укасини танисангиз, Мамат акани танқид қилиб ёзманг-да,— деди Хайруллаев маънодор қилиб. Бу гапга иккаламиз кулишдик.

Район ички ишлар бўлими бошлиғи Ёқуб Элмуродов эса Ҳасановнинг гапирган гапини эшитиб, асабийлашди.

— Ҳасанов бозорнинг аравасини торта олмаяпти. Бу гапни мен район ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида Ҳасановга кўзма-кўз бўлиб айтганман,— деди Ё. Элмуродов.— Биз кўраб турганимиз йўқ. Яқин икки ой ичида майда олиб-сотарлик бўйича йигирмата ишни халқ судига оширдик. Етти юз минг сўмлик молни давлат тасарруфига ўтказдик.— Шундай деб Элмуродов кабинетига У. Аҳмедов деган ходимини таклиф қилди.— Битта, иккита рейд билан аҳволни тузатиб бўлмайди. Улуғбек. Назоратни мўътадил олиб бормоқ керак. Халқ биздан норози бўлмасин. ишонсин. Аравасини тортолмаган қўлини кўтариб кетсин,— деди.

Норали Боймуродов номли колхознинг бригадири, Ўзбекистон халқ депутати Авазберди Ҳусанов бир гурунгда яхши гапни айтди. Икки-уч ойдан бери одамларимиз Жарқўрғонда ҳам ички ишлар бўлими борлигини дуруст ҳис қилишяпти. Ўзбошимчаликларнинг пайи кесиляпти. Қонун ҳимоячилари яхши ишласа, ҳар ким аравасини тўғри, ҳалол тортса, элимиз осойишта яшайди, деди.

Кўряпсизми, депутат ҳам Элмуродовнинг гапини такрорлаяпти. Аравасини ҳар ким тўғри, ҳалол тортсин, деяпти. Ва бу билан улар кўпнинг дилидаги гапни ифода қилишяпти.

Ҳақ гап. Ахир, кўп хизр бор деб. бежизга айтмайдилар.

Олимжон УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗНИНГ КЎЧАДА БАЙРАМ...

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Унгача-чи? Унгача Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши билан газета таҳририяти ишлаб чиққан байрам тараддуди режалари доирасида иш кўрилади. Байрамолди тадбирлари эса анчагина. Жумладан, газета журналистлари вилоятлар бўйлаб муштарийлар билан юзма-юз мулоқотда бўлишади.

Куни кеча газета 75 йиллик байрамини ўтказиш комиссиясининг аъзолари Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида бўлишди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фармони асосида хўжаликда аҳолига уйлар қуриб олиши учун анчагина томорқа ерлари ажратиб берилганидан фуқаролар мамнун бўлишмоқда. Кўпгина оилалар ҳозирнинг ўзидаёқ ажратиб берилган ер участкаларида пойдевор ўрнатиб, иморат барпо этишяпти. Гавжум уй-жой мавзеси кун сайин қад ростлаб бормоқда.

Янги уй-жой мавзесининг қоқ ўртасидан боғлар оралаб 3 километрлик йўл ўтган. Ана шу кўчани номлашга келганда, ҳар ким ҳар хил мулоҳазалар билдирди. Эшонгузар маҳалла қўмитаси фаоллари эса кўчани «Ўзбекистон овози» газетаси» деб номлаш таклифи билан чиқишди. Таклиф маҳалла ҳудудий партия ташкилоти томонидан қувватланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зангиота район кенгаши билан район ҳокимининг фикри бир жойдан чиқди. Улар маҳалла қўмитаси таклифини маъқуллаб, махсус қарор қабул қилишди.

Кеча янги мавзедаги «Ўзбекистон овози» газетаси» кўчасининг очилишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ҳаво чарақлаб турган бир паллада карнай-сурнайлар наъраси ён-атрофдаги аҳолини тантанада иштирок этишга чорлади. Қисқа фурсатда маҳалла кексаларининг-ю мактаб ўқувчилари ҳам бу ерга тўпланишди. «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Шароф Убайдуллаев газетанинг 75 йиллик тарихий йўли ҳақида йиғилганларга қисқача ҳикоя қилиб берди.

Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Кўчага кираверишдаги деворга «Ўзбекистон овози» газетаси» деган сўзлар ёзилган лавҳа осилиши билан қарсаклар янграб кетди. Мусиқа садоларидан завққа тўлган ёш-яланглар рақсга тушадилар. Газета номидаги кўчанинг очилишига бағишланган пушти ранг лентани газета бош муҳаррири Ш. Убайдуллаев ва район ҳокими Ж. Маликов қирқадилар. Сўнг тўпланганлар кўча бўйлаб сайрга чиқишади. Янги кўчанинг очилиши тантаналари шундай бошланди.

Тасодифни қаранг-а, янги кўча Ҳабиб Нўъмон номи билан аталувчи йўлга олиб чиқди. Хўжаликдаги муштарийларнинг газетага бўлган меҳрлари шунчаликки, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида кўп йиллар ишлаб ном чиқарган, атоқли журналист, редакция бўлим мудири Ҳабиб Нўъмон номини тумандаги ана шу шоҳ кўчага илгари қўйишган экан.

Тантаналарда, шунингдек газетада узоқ вақт бош муҳаррир бўлиб ишлаган ёзувчи М. Қориев, бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган шоир Ж. Жабборовлар қатнашдилар.

Газета номидаги кўчанинг очилишига бағишланган тантанада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби В. П. Медведьев ва Зангиота район кенгашининг биринчи котиби Т. Файзиевлар иштирок этдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОР

ЧАМАН БЎЛДИ ЁЛҒИЗОЁҚ ЙЎЛЛАРИМ

Узбекистон телевиденнесининг «Марҳабо талантлар» телетанлови кўпгина истеъдодларни кашф этди. Улардан бири ажойиб хонанда Султонпошша Удаевадир. Унинг хотин-қизлар байрами арафасида Узбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлиши мусиқа шинавандаларини бағоят шод этди. Хонанда билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бошланди.

— Султонпошша опа, аввало унвон муборак!

— Раҳмат. Фурсати келибди ўз фикримни айтсам. Унвонни кўпчилик бир поғона деб ўйлайди. Аслида, бундай эмас. Ҳар қандай халқ артистларини ҳам элнинг «суюкли»си деб бўлмайди. Баъзан шундай хонандаларимизнинг одамлар севиб тинглайдиган ёхуд лоақал ёдида қолган бирор қўшиғи йўқлиги ажаб. Унвонни халқнинг ўзи беради. Хонандани кўкларга кўтарадиган ҳам, ерга урадиган ҳам халқ.

— Сизнинг «санъат соҳасига қандай кириб қолганингиз» ҳақида савол бермоқчийдим...

— Бажонидил.

— Дадангиз Отабой ога домла ўтган эканлар. Ваҳолонки, мусулмончиликда бировнинг суратларини чизиш, қўшиқ айтиш, мусиқа асбобини чертиб лаззатланиш каби ҳунарлар қораланади...

— Ота-онам менинг қўшиқ айтишимдан хурсанд бўлишарди. Чунки улар санъатга дахлсиз бўлсалар-да, теран тушунардилар. Аммо Сиз айтган сабаб боис отам одамлар «Отабой домланинг қизи артист бўлибди. Домла бўла туриб қўнга йўл қўйибди» дейишларидан, қолаверса динимизнинг бу қоидасидан келиб чиқиб менинг қўшиқчи бўлишимга монелик билдирардилар. Шунинг учун Тошкент давлат муаллимлар институтининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётига ўқишга кирганман.

— Устозларингиз кимлар?

— Мактабда мусиқа муаллимимиз бўлган Ҳожибой Нишонбоевни биринчи мураббийим деб биламан. Сўнг хонанда Шермат Файзуллаевдан ўрганганман. Назира Юсупова, Матниёз Юсупов, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова каби баркамол санъаткорлар устозларим эканлигидан бахтли ҳисоблайман ўзимни.

— Султонпошша Удаеванинг эстрада хонандаси ёки лирик қўшиқлар куйловчиси десак чекланган бўламиз. Зеро, у ҳам классика, ҳам замонавий қўшиқларнинг моҳир ижрочисидир. Хонанда пойтахтимиздаги 38-ўрта мактабда мусиқа тўгараги очиб, ёш авлодга миллий мусиқа санъатимиздан, халқ оғзаки ижодига монанд дурдоналардан сабоқлар ҳам бераётир. Бу санъаткорларимиз учун ғоят ибратомуз воқеа. Зеро, миллий қўшиқчилигимизни келажак авлодларга етказиш бугунги ёшлар зиммасидадир. Умуман Султонпошша опани ўзбек халқининг ҳофизаси десакмикин...

— Оддий хонанда деяверинг. Ахир қўшиқчиман, деган санъаткор нафақат «замонавий» куйлаши, ўз миллатининг мумтоз санъатларидан ҳам воқиф бўлиши, мусиқий дурдоналарни куйлай олиши ҳам керак-ку. Акс ҳолда у санъаткор эмас, балки ҳаваскор қўшиқчи бўлади-да. Бу гапдан нотўғри хулосага келманг. Мана бир мисол қилай. «Ялла» гуруҳининг Навоий ғазаллари асосида яратган қўшиқларини эшитгансиз, эстрада гуруҳининг бу ижроси нафақат замонавий, балки классик йўлни сақлагани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Аммо кейжа авлод қўшиқчилар ичида аксариятининг Сиз сўз юритаётган классикага тиш ўтмайди-да.

— Биласизми, хонандаларнигина айблаш нўўрин, менимча. Ваҳолонки, тингловчи масаласи ҳам бор. Бугун ўзбек миллий қўшиқларини романга етказиб куйлаш-ку — бир санъат, аммо у санъатдан муносиб даражада баҳра ола билиш ҳам катта истеъдод бўлиб қолди. Чунки кейинги йилларда чет эл мусиқасига интилиш кучайиб, санъатимизнинг асл дурдоналарига эътибор сусайди. Шу боис бўлса керак, кўпгина қўшиқчилик йўлига кирганлар классикага эътиборсиз қарашади. Қани эди, Муҳаммаджон Каримов, Очилхон Отахонов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова каби ашулачиларимиз ижролари сирини англай олсак, улардан ҳеч бўлмаганда роҳатланишни ўргансак.

— Хоразмда Узбекистон халқ ҳофизи Рўзимат Жуманиёзов чет элликларга бир неча кун ўзбек классик ашулаларини куйлади. Хорижликлар бизнинг санъатимиздан ҳақиқий маънода лол қолишди. Ашулаларни тасмаларга туширишди. Шундай таассурот қолдики, гўё олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деган мақол худди ўзимизгагина хос. Чунки тўй-ҳашамларимизда тақир-туқур ширасиз қўшиқлар урф. Ахир «Ўтган кунлар» ни эсланг: Отабек «Ўртар» ашуласидан бежиз таъсирланмаган-ку. Шаҳарларимизда ўтказиладиган наҳор ошлари вақтида куйланадиган ашулалар базм оқшомларимизни ҳам безашига шубҳа йўқ. Навоий, Мискин, Огаҳий, Машраб каби аждодларимиз асарларига тишимиз ўтмаётгани ҳам бизнинг муносабатимиздан, беоқибат, безъторлигимиздан, чоғи.

Султонпошша опа, санъатимиз оқсоқолларини тинглай олмаслигимиз бир фожеа бўлса, баъзан уларни ардоқлаш, эъзозлаш ва етарли оқибатда бўлишни ҳам ўрнига қўя олмаётганимиз...

— Тўғри айтасиз, ўзбекнинг жуда кўп истеъдодли санъаткорлари бор. Аммо кўпинча улар чор-ночор аҳволда эканликларидан эзиласан киши. Ўлмас Расулов деган ғижжакчи санъаткоримиз ўз соҳасида ноёб истеъдодга эга. Аммо ана шундай санъат фидойисининг яқин-яқингача ётоқхонада истиқомат қилганига қандай баҳо бериб бўлади, дейсиз.

— Келинг, суҳбатимиз мавзуини бироз ўзгартирайлик. Сиз Хоразмдансиз, юртнинг бизга маълум ва номаълум санъати ҳақида гаплашсак.

— Хоразм мақомлари ҳақида мукаммал билимга эга бўлмай бир нарса айтишни гуноҳ деб биламан. Халқ қўшиқлари ҳақида гап кетганда, бу йўлнинг ўзига хос сурури вилоятдаги тўйларда кўпроқ намоён бўлади. Шунингдек, Хоразм телевиденнеси кўрсатувларида ҳам бу йўлга катта эътибор берилади. Масалан, Хоразмда тўйларни халфаларсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Гармон, доира, қайроқ каби асбоблар жўрлигида халфалар ҳар қандай тўйга файз берадилар. Бу анъананинг давом этаётгани миллатнинг ўз қадриятларига бўлган қимматли муносабати натижасидир.

— Ўзингиз кўпроқ қайси йўлда куйлашни ёқтирасиз?

— Биласизми, кейинги пайтларда ҳар бир концертимда «Оқ илон...» деган ашулани айтиб беришимни сўрашади. Бу энди замонавийроқ қўшиқ. Аммо ўзим учун қайси йўлда куйлашнинг фарқи йўқ. Боя айтганим — халфа йўлида куйлашни ҳам ўрганмоқчиман энди. Хоразмдаги энг кекса ва донгдор, етмиш ёшли Назира халфанинг ҳузурида бўлиб, унинг оқ фотиҳасини олиб қайтдим. У киши менга барча билганларини бажонидил ўргатишини айтдилар. Умуман, бу замонавий, бу классика деб танламайман.

Султонпошша опанинг илк қўшиғи «Онажон» деб аталарди. Шермат Файзуллаев билан ҳамкорликда тайёрланган бу ашула 1972 йилги телетанловда уни санъат гулшанига олиб кирди. Сўнгра ёш хонанда бирин-кетин янги-янги қўшиқларни ўз мухлисларига тортиқ қилди: «Йўлларим», «Узбекистон», «Қўшиқ айтиб», «Азизим». Бугун унинг қўшиқлари кўп, ўз қўшиқлари. Кўпроқ Зулфия Мўминова ва Ҳалима Худойбердиева билан ижодий ҳамкорлик қилади. Ҳар бир яхши қўшиқдан сўнг кейингисини ундан ҳам чиройли чиқишини истайди, шунга интилади. Саҳнага кўпроқ атлас кўйлакда чиққиси келади, атласни миллий либосимиз сифатида севади. Ҳар қандай йўлда айтилган мукаммал ижродаги қўшиқларни марҳоқ билан тинглайди. Кўп ўйлайдигани — зўр овозли хонандаларимизнинг ўз қўшиқларини топа олмаётгани. Икки ўғли ва бир қизи бор. Турмуш ўртоғи Сафарбой Олимбоев ҳам санъат кишиси, ансамблнинг бадиий раҳбари. Энг севимли қўшиғи — «Йўлларим». У қўшиқда шундай сатрлар бор:

Баҳор келди чаман бўлди гулларим
Чаман бўлди ёлғизоёқ йўлларим.

(Туроб Тўла).

— Султонпошша опа, бу йўлларда қувончли ва аламли кунлар ҳам кўп бўлгандир!

— Келинг, ғамҳандуҳ аралаш лаҳзаларни эсга олмайлик. Шоду-хуррамлик ила кечган дамларим ҳам оз эмас, худога шукр. Мана ўзингиз айтгандай унвонга сазовор бўлдим. Уша «Марҳабо талантлар»да ғолиб чиқишим, ҳар бир янги қўшиғимнинг яралиши бир қувонч бўлса, фарзандларим дунёга келиб оналик бахти насиб этган кунларим мен учун унутилмас даврлардир.

— Аёлларнинг ишлашларига қандай қарайсиз? Ўзингиз ҳам оналик бахтини буюк қувонч санар экансиз. Уларга бекалик дастлабки вазифа бўлса маъқул эмасми?

— Сизга қўшиламан, аёл деган улуғ номнинг ортида оналик, бекалик каби устунлари борки, бизлардан уни сунъий равишда юлиб олишмоқчи бўлдилар ва мақсадларига эришдилар ҳам маълум маънода. Аммо санъатни бугун аёлларсиз гўзал тасаввур этиб бўладими? Шундай экан ижодкор аёлларни қоралаш нўўрин.

— Аммо баъзан шундай ақида борки, саҳнага чиқиб қўшиқ айтувчи, рақсга тушувчи хотин-қизларга ахлоқан ишончсиз қарашади...

— Шоли курмаксиз бўлмайди. Аммо ўша курмакларни деб бутун санъаткор муслималаримизга бундай кўз билан қараш гумроҳлик холос-ку.

Султонпошша опа билан ҳар қандай мавзуда гаплашманг, унинг самимий ва дилкаш суҳбатидан кўнглингиз ёришади. Баъзан ўйга толади, баъзан бироз қизишади ҳам. Асосийси — бегараз, самимий. Уша самимияти ила йўғрилган бахт — майин ва ширали овоз, мусиқа ва адабиёт борасида нафис дунёқарашнинг у кабиларга ато этилгани миллатнинг ҳам омадидир. С. Удаеванинг ҳаёт йўли ҳамиша ойдин бўлишига тилакдошмиз.

Суҳбатдош Ҳусан ЭРМАТОВ.
«Узбекистон овози» мухбири.

* * *

Муҳтарам муштарий! Агар ёдингизда бўлса, «Сиз севган санъаткор» рукни дебочасида мумтоз ҳофиз Фахриддин Умаров билан учрашган эдингиз. Шундан сўнг биз кўплаб мактублар олдик. Хатларнинг аксариятида хушовоз хонанда Султонпошша Удаева номи тилга олинган...

Ваъдамизга биноан, Сизнинг истагингизни бажо айлаймиз. Фақат бир илтимос: кейинги мулоқатимизга кимларни таклиф этишни бизга ёзиб юборишни унутманг!

Темур тузуклари

تیمور توزوک لاری

Имом Мусо Козим[1], имом Муҳаммад Нақи[2], Салмон Форсий[3]ларнинг нурли равзалари учун эса Жазоир экин майдонларидан ва Мадоин[4] даромадидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг[5] табаррук равзалари учун Кутах баст ва Тус шаҳри атрофидаги ерлардан вақф ажратсинлар ва гилам, чироқ ҳамда кундалик емиш-ичмишини белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мозорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар.

Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси тамғаланисинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғадан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади.

[1] Имом Мусо Козим — шиаларнинг еттинчи имоми (799 й. вафот этган).
[2] Имом Муҳаммад Нақи — шиаларнинг ўн биринчи имоми (835 й. вафот этган).
[3] Салмон Форсий — Муҳаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси (655 й. вафот этган).
[4] Мадоин — Бағдоддан 26 чақирим жануби-шарқда жойлашган шаҳар.
[5] Имом Али ибн Мусо — саккизинчи имом (821 й. вафот этган) Кўпроқ Имом Али Ризо номи билан машҳур.

РАИЯТДАН МОЛ-ХИРОЖ ОЛИШ, МАМЛАКАТНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ВА ЮКСАЛТИРИШ, УНИНГ ОБОДОНЧИЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ КИШИЛАР ТУЗУГИ

Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка туширириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш [давлат] хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.

Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан амну омонликда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда [хирожни] тузукка мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз равишда кориз[1], булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, бир ҳиссасини олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар. Агар раият рўйхатга олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар. Нарх-навога мувофиқ олинган нақд ақчани сипоҳга етказсинлар. Бордию раият ҳосилини уч қисмга бўлишга рози бўлмаса, у чорда ҳисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жариб[2] экин ер қилиб ажратсинлар. Биринчи жарибдан [олинган ҳосилнинг] уч харвори[3], иккинчи жарибдан [олинганининг] — икки харвори, учинчи жарибдан [олинганининг] бир харворини йиғиб олсинлар. Бунинг ярмини буғдой, ярмини арпа ҳисоблаб, учга бўлиб, [иккисини деҳқонга қолдириб], бирини олсинлар. Агар раият бу йўсинда солиқ тўлашга рози бўлмаса, у ҳолда бир харвор буғдойга беш мисқол[4] кумуш, бир харвор арпасига икки ярим мисқол кумуш миқдорида нарх қўйсинлар. Яна қалъа фойдасига бериладиган тортиқни ҳам бунга қўшиб қўйсинлар. Шулардан бошқа қўшимча тарзда, улардан ҳеч қандай олиқ-солиқ талаб қилмасинлар.

Булардан ташқари кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан [солиқ олишда] учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар. Ҳар шаҳар ва ердан олинадиган жон солиғи, касб-ҳунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқдан олинадиган солиқни тўлашда қадимдан келган тартиб-қоидага амал қилсинлар. Бордию бунга раият рози бўлмаса, бори-бўлганича иш тутсинлар. Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни ўч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олучини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар.

[1] Кориз — ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот.
[2] Жариб — 958 кв. метр ҳажмдаги ер.
[3] Харвор — бир эшак кўтарарлик юк: 300 килограммга яқин оғирлик ўлчови.
[4] Мисқол — оғирлик ўлчови бўлиб, 1 қадоқнинг 84 дан бир қисми (тахминан 4,8 гр).

101.

102.

• НАВРЎЗ — 93

ҚАРДОШЛИККА ҚАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ТЕАТРЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛАРИ

Марказий Осиё театрларининг 5-халқаро фестивали Ашғабатда ўтказилди. Унда биринчи бор қорақалпоқ тилидаги пьеса кўрсатилди. Бу гал Бердақ номидаги Нукус давлат мусиқали драма театрига «Наврўз» фестивалида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди. У «Шаҳриёр» драмасини кўрсатди.

Бу галги фестивалнинг жуғрофияси бирмунча кенгайгани ҳам унинг ўзига хос хусусияти бўлди. Танловда Озарбайжон тўла ҳуқуқ билан қатнашди. Татаристоннинг театр жамоалари, МДҲ бошқа республикаларидан, шунингдек, Туркия ва Эрондан келган артист режиссёрлар эса фестиваль меҳмони бўлишди. Марказий Осиё давлатларининг маданият ишлари вазирликлари ва театр арбоблари уюшмалари, Москвадаги Халқаро театр арбоблари конфедерацияси, хомийлик қилган бир қанча корхона ва ташкилотлар бу байрамга баҳоли қудрат мадад беришди.

— Ашғабатда ўн кун давом этган фестиваль театр санъати арбоблари учун катта воқеа бўлди, — дейди Ўзбекистон делегациясининг раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, санъатшунослик доктори М. Раҳмонов. — Бу муштарак урф-одатлар ва маданий анъаналар соҳиби бўлган халқлар чинакам қардошлиги ва дўстлигининг байрамига айланди. Театр саҳналарида, меҳмонхоналарда, томошахоналарда қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, рус, инглиз, турк сўзлари эшитилиб турди. Таржимонларнинг ҳожати бўлмади.

СУРАТЛАРДА: 1. Фестиваль совриндори, нукуслик Ж. Саъдиндиқова. 2. «Шаҳриёр» спектаклидан саҳна.
К. УРОЗОВ олган суратлар.

Фестиваль совриндорлари аниқланди.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқали драма театрининг «Шаҳриёр» спектаклида Гулсара ролини ўйнаган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ж. Саъдимдиқова, шунингдек Туркманистон давлат академик драма театридаги «Медея» спектаклида бош ролни ижро этган О. Маметгулиева аёллар ролини энг яхши ўйнагани учун соврини билан тақдирландилар. Воҳидов номидаги Тожикистон давлат ёшлар театрининг «Сафар махсум» спектаклида эркак ролини энг яхши ўйнаган Насриддин Нуриддинов ҳам совринга сазовор бўлди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Л. Струнникова.

М. Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида таълим олаётган туркманистонлик студентлар «Наврўз—93» фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига диплом спектаклини танловдан ташқари кўрсатдилар. Мазкур олий ўқув юрти кўп йиллардан бери қардош Туркманистон учун артистлар, режиссёрлар ва рассомлар тайёрлаб бермоқда.

Келгуси йилда «Наврўз» театр фестивали Қозоғистонда ўтказилади.

МУКАРРАМА ОПА АНЪАНАЛАРИ БАРҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофотни таъсис этди. Унинг 80 йиллик юбилейи нишонланадиган кунларда миллий санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган маданият арбоблари шу мукофотга сазовор бўладилар. Мукофот уч даражали — 50 минг сўмлик, 25 минг сўмлик ва 15 минг сўмлик бўлади. У республиканинг рақс санъатидан ташқари қўшиқ ва мусиқа санъати жанрлари соҳиблари бўлмиш жамоаларга ва айрим ижрочиларга берилиши мумкин.

Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси ҳам атоқли артистнинг бўлажак юбилейига тайёргарлик кўрмоқда. Жамғарма ижодий жамоалар ва айрим ижрочилар танлови ўтказилишини эълон қилишга қарор берди. Танлов ғолибларига дипломлар, мукофотлар топширилади. Ҳозир Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда шу танловнинг низомлари ишлаб чиқилмоқда.

Донғи кетган раққосанинг юбилейи республикада кенг нишонланади, — дейди республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари З. А. Ҳакимов.—Шу куни миллий рақснинг сўнмас юлдузигина эмас, истеъдодли мусиқачилар, хонандалар, раққосаларнинг бутун бир авлоди ҳам шарафланади. Мукаррамахоним айни шу авлод муҳитида камол топган эди. У миллий санъат анъаналарини нозик дид билан идрок этиб, уни бойитган ва бетакрор рақс мактабини яратган эди. Бу воқеа ёш жамоалар ва ижрочиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга, миллий санъатга қизиқишни кучайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

ТЎҚИМАЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Трикотаж газмолга гул соладиган дастгоҳ — «Карусел» Тошкент трикотаж саноати илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилди. Қурилма ранг-баранг гулларни сифатли қилиб босишни ҳам, юксак меҳнат унумдорлигини ҳам таъминлайди. Дастлабки «Карусел» «Учқун» фабрикасида ўрнатилди. Институтга кўпгина ичик корхоналардан шундай қурилмалар учун буюртмалар тушди.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЛМОҚДА

● Тошкент тўқимачилик комбинатида электр энергияни тежайдиган соддагина рационализаторлик таклифи жорий қилинди. Унинг муаллифлари — муҳандислар Ш. Ғонбов билан З. Гладкова калава ип қабул қилувчи бункерлар тепасидаги чироқларга эҳтиёж бир хил эмаслигини пайқаб қолишди. Айрим жойлардаги чироқнинг ёритиш кучини камайтиришди, зарур жойларда эса оширишди. Натижада ҳар кеча-кундузда сарфланадиган энергия сезиларли равишда қисқарди.

Бу рационализаторлик таклифи ўтган йили электр ва иссиқлик энергиясини тежаш учун ўтказилган республика танловида диққатга сазовор бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, ундан тармоқ корхоналарида кенг фойдаланса бўлади.

ЖАЖЖИ ТЕГИРМОНЛАР

● Бухоро ва Тошкент вилоятларида соатига 250 килограмм ун тортиб берадиган жажжи тегирмонлар ишлаб чиқариш синовдан ўтказила бошлади. Бу тегирмончалар давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясига кирувчи «Прогресс» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилди.

Ҳозир «Прогресс»да мева ва сабзавотни қуритадиган, консервалайдиган, сопол тахтачалар ва безак материаллар ишлаб чиқарадиган машина-ускуналар ясалмоқда. Янги машина-ускуналар корпорациянинг тажриба-механика заводида тайёрланмоқда.

(ЎзА).

• АДИБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚОДИРИЙНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

МАЪЛУМКИ, адабиётимиз тарихи истеъдодлар тарихидир. Истеъдодлар тарихи эса, кўпинча фожеа ва қатағонлик тарихи ҳамдир.

Истеъдодлар ҳақида ўйлар эканмиз, улар ҳақида сўзлаш ҳам осон, ҳам қийин, ҳам ҳаяжонли, баъзида даҳшатли ҳамдир. Биринчи ўзбек миллий романчилиги мактабининг отаси Абдулла Қодирий тақдири ҳам шундай.

Адиб яратган йирик эпик полотнолар фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, бутун Марказий Осиё, Татаристон, Озарбайжон адабиётларининг эпик ривожига таъсир кўрсатди. Устоз адиб оқланганлигига қарийб ўттиз беш йилдан ошибдики, бироқ шу дамгача, унинг бутин ижодий мероси тўпланиб, яхлит ҳолдаги тадқиқотлар, монографиялар тарзида ўз илмий таҳлилини топиб улгурмади. Ваҳолонки, А. Қодирий янги миллий адабиётнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожида бутун бир даврни, бир босқични ташкил этади.

Тўғри, адиб ижоди ҳамиша баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. Бунинг, бизнингча, икки сабаби бор. 1) Аввало ёзувчи ҳаёти, тақдирининг ўзи ўта фожеавий бўлса: 2) Адиб ижоди эски дунёдан янги дунёга ўтиш даври, аниқроғи, ўлкада миллий уйғониш кечаётган давр маҳсули эканлигидир. Бироқ, биз бу ўринда масаланинг фақат бир томони — ёзувчи шахсининг фожеавийлиги ва унинг адиб таржимаи ҳолида тутган ўрни ҳақида сўз юритмакни лозим топдик.

Кейинги аниқ ва илмий хулосаларга кўра Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентда туғилганлиги эътироф этилди. Шунингдек, унинг вафоти қатағонлик даври фожеаларига туташ бўлганидан, қачон, қаерда, қайси йил, қайси куни ҳаётдан кўз юмган эканлиги масаласи яқингача номаълум бўлиб келади. Баъзи маълумотларда унинг вафот этган йилини 1944 йил деб, баъзиларида 1939 йил ёинки ҳатто 1940 йил деб ҳам берилган. Бу хатолик унинг Тошкент, Қамолон маҳалла, Хўжа Аламбардор қабристонидаги рамзий қабрга қўйилган мармар тош-ёдгорликка кўчирилиб, унинг вафоти 1939 йил деб битилган. Баъзилар эса, адибни Сибир тутқунгоҳларида кўрганликларини ва ўша ерларда қазо қилганлигини ҳам қайд этиб келишди.

Эндиликда ошкоралик ва мустақиллик шарофати туфайли Давлат ҳавфсизлик қўмитасининг ҳужжатларидан маълум бўлишича, бундай таҳминлар бироз бартараф бўлди. Абдулла Қодирий вафоти 1938 йил 4 октябрда Тошкентда бўлганлиги аён этилди.

Маълумки, Абдулла Қодирий бор-йўғи қирқ тўрт йил умр кўрди. Шу даврда у икки марта ҳибсга олинди. Биринчи бор у 1926 йилда «Муштум» ойномасининг 3-сонида «Очсар» тахаллуси билан босилган «Йиғинди гаплар»даги ҳажвияси учун бридан 4-чига ўтар тунда қатл этилган.

Қаерда? Тошкентдами ёки Сибирда? Бу савол, бу муаммо мана эллик беш йилдан, ҳа, ярим асрдан буён адабиётшуносликда, қолаверса қодирийшуносликни, адиб оиласини ўйлантириб келади. Муҳими, кейинги йилларда масаланинг ана шу томони ҳақида айрим ҳужжатлар пайдо бўлиб, таҳминлар юзага кела бошлаганлигидир. Шулардан уч-

БИЗ ҳам мазкур савол изидан бориб Тошкент-Черняевка, Юнусобод, Оқтепа, Бўзсув атрофларида умид билан изланиш олиб бордик. Мавжуд тахминлар ва илмий-оммавий ҳужжатларга таяниб, иш юритдик. Аввалига бир қарашда изланиш, сўраб-суриштириш зое кетмагандек туюлди. Маълум бўлишича, мана шу Юнусобод даҳаси, Шивлибува атрофларида учта йирик мозористон-қатлгоҳ бўлган экан.

Шулардан бири 1930—1934 йилларда ҳозирги Юнусобод тумани, Ғалаба боғи — Бўзсув ёнбағрида бўлган. Айни чоғда Телеминора биқинида ҳамда Абразив заводи атрофида бир неча ғишт заводлари қурилиб, шу атрофдаги тепаликлардан хомашё сифатида фойдаланилган. Худди шу йилларда эса ўлкада очарчиликгина эмас, қаҳатчилик ҳам ҳукм сурган. Хусусан, Қозоғистоннинг Чимкент, Сайрам томонларидан юзлаб, минглаб халқ нажот излаб мазкур ғишт заводи томон оқиб келган. Сабаб: ҳам тунда иссиқ, ҳам бир бурда нон топишнинг иложи бўлган. Шунга қарамай бу халқнинг кўпи қирилиб кетган. Бу ўгасиз жасадлар худди шу Бўзсув бўйида чоқ ўраларга кўмиб юборилган. Бинобарин, кейинчалик ана шу Бўзсув бўйида топилган бош ва тана суяклар аввало 30 йилларнинг қаҳатчилик вабосидан дарак берса, қолаверса бу қатлгоҳни эслатади.

Иккинчи мантиқ шундаки, авваллари Тошкентнинг Бўзсув бўйларидан ўтиш билан овлоқ пастқ-баландликлар ястаниб ётарди. Одамлар фақат дала-ҳовли, боғ ҳовлиларига ишлаш учун баҳордан кузгача яшашган. Абдулла Қодирийлар отилган 4 октябрь айни куз палласи бўлиб кўпчилик шаҳар ҳовлисига кўчиб бўлишган чоғ эди. Шу туфайли, Набижон Боқий ёзганидек, маҳбусларни Черняевка томонга ва яна ундан 30 чақирим нарига олиб бориб отишнинг ҳожати йўқдек кўринади. Бинобарин, бизнинг ота-оналаримиз ва кексаларнинг айтишича Юнусобод Оқ-тепаси (собиқ Қоронкўл тепаликлари) атрофида яна иккита қатлгоҳ бўлган, бу ерларда ҳам одамлар отилган.

Оқтепа атрофидаги Қоронкўл тепалиги (ҳозирги Абразив заводи дарвозасидан Юнусобод даҳасига ўтадиган кўча бошида) ўнг ёнбағрида уч-тўрт қудуқсимон ўралар бўлиб, кечалари шу ерга одамлар машиналарда келтирилиб отилган. Бу воқеалар 1940—1944 йилларга тўғри келади. Абдулла Қодирийнинг бўлса, 1938 йилда отилганлиги инобатга олинса, муаммо яна ечимини топмайди. Хўш, нима қилиш керак, кимдан сўраса бўлади?

Излашдан, сўраб-суриштиришдан ўзга йўл чора кўринмайди. Излаш, сўраб-суриштиришлар кетида уша Қоронкўл тепалигидан тупроқ олинган йилларда кимлар раҳбар бўлгану, кимлар ишлаганлигини аниқладик. Билдик. 1947-1960 йиларда бу тепаликлардан 5-ғишт заводига тупроқ ташилган. Юнусобод қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамдам Мирназаров, Собир Туропов, Равил Зайнитдинов, Иброҳим Искандаров, Саъдулла Маҳкамов, Ҳусан Тожибоев каби собиқ ҳайдовчилар билан учрашишга муяссар бўлдик. Оқибатда тугун секин-аста ечила борди. Улар Қоранқўл тепалиги этагидаги Юнусобод кўчасига чиқиш жойидан тупроқ олишаётганда ўша ерлик далаҳовлиси бўлган бешикчи уста Миролим ака Миркомилов хабар топиб огоҳлантирган. Ушбу жойда бир йўла икки «қабристон» бўлиб, бу ерда бегуноҳ азиз одамлар отилган деган фикрни беради.

Чиндан ҳам эртаси куни Равил Зайнитдинов тупроқ тортаётганда гўр очилиб кетади. Бу ўша Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари ўндан ортиқ зиёлиларнинг бир йўла бир кечада қатл этилган қабристони эди. Бинобарин, бу қатлгоҳ 1953 йилнинг 6—7-апрель кунлари топилиб, уларнинг бош ва тана суяклари эса ҳозирги Ғулом Маҳмуд Абдуллаев маҳалласи атрофига жойлашган Оқ ота (аслида Оқил ота) қабристонига элтиб кўмилган.

Хуллас, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби бир гуруҳ истеъдодли адиблар қатл этилган йил, ой, кун ва жойи маълум бўлган экан, бизнинг вазифамиз ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам қатағон қурбонларини улар номи билан боғлиқ қадриятларни тикламоқдир.

Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

АЛПОМИШ ВОРИСЛАРИ

Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи ҳеч қачон бунчалик кўп томошабинни бағрига олмаганди. Ўрта асрнинг буюк алломаси Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган биринчи халқаро кураш мусобақаси ёшу-қари томошабинлардан минглаб кишини сиғдиролмай қолди.

Маълумки, кураш қадимқадимдан Ўзбекистондаги етакчи спорт турларидан бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг миллий спорт турларини тиклаш йўлидаги оталарча ғамхўрлиги туфайли энди кураш янада ривожлана бошлади.

Мусобақа ташкилотчилари ва мезбонлари беллашувларга пухта ҳозирлик кўришди. Ҳал қилувчи учрашувлар арафасида мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда, корхоналарда, қишлоқлардаги жисмоний тарбия жамоаларида танлов мусобақалари ўтказилди. Мусобақанинг шаҳар, туман ва вилоят босқичлари ҳам кўнгилдагидек ўтди.

Халқаро мусобақага қўшни давлатлар — Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон спорт делегациялари ҳам таклиф этилди. Якунловчи мусобақалар учта ёш тоифасида ўтказилди. 35 ёшгача бўлган полвонлар орасида термизлик курашчилардан Жаббор Маҳмудов, ака-ука Баҳром ва Бахтиёр Орзиевлар, қашқадарёлик Исоқ Аҳмедов, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидан Рустам Эргашев ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқдилар.

36 ёшдан 45 ёшгача бўлган полвонлар беллашувида ўз вазн тоифалари бўйича тожикистонлик Абдулла Очилбеков, Қумқўрғон туманидан Ҳасан Эшназаров, Жарқўрғондан Нортожи Бойматов ва Тоҳир Турдиевлар биринчиликни олишди. 60 ёшгача бўлган спортчилар гуруҳида мукофотлар тўртта вазн бўйича тақсимланди. Бу ерда тошкентлик Омон Тоймуродов, термизлик Сафар Қосимов, бухоролик Нормуҳаммад Юсупов ва Олтинсой туманидан Бобохон Худойбердиевларнинг кураги ерга тегмади.

Қумқўрғон районидан келган курашчи Урол Тўраев мусобақанинг энг кучли курашчиси, деган фахрий номга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таъсис этган асосий соврин — яъни бир миллион сўм пул унга топширилди. Иккинчи ўринни олган жарқўрғонлик Рустам Эргашевга рангли телевизор билан видеомагнитафон топширилди.

СУРАТЛАРДА: 1 Мусобақанинг мутлақ ғолиби Урол Тўраев. 2. Мусобақа пайти.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар (ЎзА).



ЧАРОҒОН ХОРАЗМ

● Бундан 80 йил муқаддам Хива шаҳрининг Нуруллабой деб аталган даҳасида Хоразм воҳасида биринчи электростанцияси ишга туширилган эди.

Атиги олтмиш от кучига тенг, бир цилиндрли бу электростанция генераторининг қуввати ҳам бор-йўғи 40 киловатт бўлиб, асосан Хива хонининг европалик юксак мартабали меҳмонлар қабул қилинадиган ёзги қароргоҳи ҳамда саноқли амалдорлар хонадонларинигина электр нури билан ёритган.

Ҳозир вилоятдаги электр нури узатиладиган тармоқларнинг ўзи бир миллион 819 минг километрни, замонавий механизмлар билан жиҳозланган электр подстанцияларининг қуввати эса бир миллион 217 минг киловольтамперни ташкил этади. Бу — бутун Хоразм аҳли ва халқ хўжалиги электр нурларидан чароғон деган гап!

Эркин МАДРАҲИМОВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

«ДОНЕЦК МАНИФАКТУРА»

ШЕРИК ФИРМА ХОМ АШЕСИ (ПАХТА)ДАН

60/1 рақамли трикотаж,

40/2 рақамли тўқимачилик,

14/ рақамли трикотаж

12/ рақамли тўқимачилик

ип газлама калаваларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни таклиф қилади.

Ўзаро келишув бўйича бошқа хил калаваларни ҳам ишлаб чиқариш имконияти бор.

Манфаатдор шахслар ушбу манзилга мурожаат этишларини сўраймиз. 346330, Россия, Ростов вилояти, Донецк шаҳри, Ленин кўчаси 5-А уй.

Телефонлар: (86368) 5-37-14, 5-13-30, 5-33-40.

Факс: 5-23-53, телетайп: 623663 «Пряжа».

Бизда ҳали ҳам овга қармоқ билан чиқилади. Қармоққа эса ҳамиша майда балиқлар илинади. Аммо, «Жаҳон» концерни унча-мунча қармоққа тутиладиган ўлжалардан эмасди. Бу наҳанг катта-катта «ютиб», шунчалик семиргандики, ҳар қандай қармоқни узиб кетиши тайин эди. Унга бақувват тўр ташланмаганида — шу ташкилотнинг бир гуруҳ ходимлари ўз раҳбарларининг найрангларини фош қилишмаганида ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверарди.

„ЖАҲОН“ ГАНЖИДАГИ АЖДАҲО

Фельетон

КАТТА бир концернинг номи нима учун айнан унинг президенти Жаҳонгир Қодирхўжаев «шарафи»га қўйилганини билгимиз келди. Билганимиз эса шу бўлди. «Жаҳон» концерни уч йил олдин «Спецремналадка» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида тузилган. 30 та корхонани ўз ичига олган (шундан 23 таси қурилиш, таъмирлаш ишларини бажарарди) концерн Жаҳонгир Қодирхўжаевнинг шахсий корхонаси эмас. Лекин, буёғиям номига яраша бўларини ким билибди дейсиз? Ўтган қисқа муддат ичида «Жаҳон» таркибига кирувчи корхоналар сони ва умуман олганда, иш ҳажми кескин камайиб кетди. Ўрнини президент ва унинг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари Наталья Азизянцнинг хусусий тижорати, сайру саёҳати эгаллади. (Кези келганда айтиш керакки, ҳар қандай фирма ёҳуд концернинг раҳбарини президент деб номлашга чек қўйилса. Чунки, Президент сўзи мукаддас, у мамлакатда ягона бўлиши керак).

Жаҳонгашталикни ким ҳам хуш кўрмайди? Айниқса, бошқаларнинг ҳисобидан бўлса. Сўнгги икки йил ичида «Жаҳон» концерни раҳбари Ж. Қодирхўжаев ва Н. Азизянцлар бир неча маротаба хориж сафарида бўлишди. Садоқатни қарангки, қаерга бормасин улар бир-бирларини эргаштириб юрардилар. 1991 йилда Хитой Халқ Республикасига 12 кун сафар қилишди. Орадан олти ой ўтмасдан кўнгиллари Америка Қўшма Штатларини қўмсаб қолди. У ерда ҳам 15 кун «ялло» қилиб келдилар. 1991—1992 йилларда Ж. Қодирхўжаев Кипр Республикасини икки маротаба зиёрат қилиб келган бўлса, Н. Азизянц бу борада бошлиқдан ҳам ўтиб тушди. Ишхонаси ҳисобидан Кипр Республикасига уч маротаба бориб келди. Агарда сафарлар натижасида концернга заррача фойдаси тегадиган иш қилинганида бу сайру саёҳатлар ҳақида оғиз кўпиртириб гапирмаган бўлардик. Аксинча, биргина Кипр саёҳатига салкам ярим миллион сўм сарф қилинди. Икки йил олдин бу пулнинг кучи қанча эди?

Чет эл сафарига борувчилар номзоди аслида муассис кенгашининг йиғилишида тасдиқланиши керак эди. Жаҳонгашта Жаҳонгир эса ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйди. Ким боришини одамларнинг шахсий садоқатига қараб белгилайдиган бўлди. Хизмат сафарларига гоҳ қўшма корхона очиш фикри, гоҳ бирон-бир ноёб маҳсулотлар олиб келиш режаси баҳона бўлардию, аммо сафарга мутахассислар қолиб беғоналар кетарди.

Рўкач қилинган қўшма корхоналарнинг ярмидан кўпи тузилмади. Барпо қилинганлари ҳам номигагина. Аёл кишининг найранги қирқ эшакка юк бўлади деганлар.

Аммо эсли-ҳушли одам ўзини «эшак»нинг кўйига солдирмайди. Н. Азизянц шайтонга ҳам дарс берадиган хилидан экан. 1991 йил август ойида бу хоним Чехословакияга юборилди. Сабаби, «Оқова сувларни тозалаш» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш. Оқава сувларнинг Азизянцга ва унинг мутахассислигига қандай алоқаси борлигини тушунолмай ҳалигача кўпчилик ҳайрон. Қолаверса, у киши Чехословакия сафаридан қайтаётиб Москвада яна бир ҳафта дам олиб келдилар. Москвадаги ҳаражатларни ҳам концерн ҳисобидан ундириб олдилар.

Мана буниси олдида юқоридаги гап ҳолва. 1992 йил 22 июлда «Жаҳон» концерни билан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият бўйича миллий банки ўртасида 91-рақамли шартнома имзоланди. Шартномага кўра банк томонидан концернга маҳсулотлар маркетингини ўрганиш учун 10 минг доллар қарз берилди. Ана шу маблағ зудликда Кипр Республикаси банкига ўтказиб юборилди. Кейинчалик аниқланишича, бу маблағ ҳисобига Кипрдан 20 комплект кроват жўнатилган. Бу ишга бош қўшганларнинг айтишига қараганда бу кроватлар намуна учун келтирилган-у, ундан андоза олиб ўзимизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқармоқчи эканлар. Хўш, шундай ҳам дейлик. Лекин «Жаҳон» концерни Кипрнинг «Трейдинг» компанияси юборган бу молларни нега ўзига кирим қилмай, тўғридан-тўғри Янгийўлдаги «Семурғ» ҳиссадорлик савдо бирлашмасига ўтказиб юборган? «Семурғ»даги ишбилармонлар ҳам 20 та кроват учун концернга 5258,7 минг сўмни дарров ўтказдилар. Концерн эса бу рубль билан банкдан олган қарзини қоплади. Доллар ҳисобига келган маҳсулотнинг бир қисми республикамиздан ташқарига—Саратов областига сотиб юборилган. Эътибор беряпсизми, ҳар бири қатъий ҳисобда туриши керак бўлган, республикамиз бойлиги ҳисобланган валюта ими-жимида тобора қадрсизланиб бораётган рублга алмаштирилган. Устига-устак ўша рублнинг бир қисми мамлакатимизга четдан кириб келган. Четдан бостириб келаётган ҳар бир рубль тобора қимматчиликни юзага келтириб, халқимизни оғир аҳволга солиши кўрга ҳассадек аён-ку?!

«Жаҳон»нинг раҳбари турли идораларга турли баҳоналар билан неча минг сўм пулларни хайрия қилгани-ю, ўзининг ташкилоти учун сув билан ҳаводек зарур бўлган қувурларни брокерлик ёрдамида нимаминг эвазига бошқа ташкилотларга сотиб юборганлигини айтмай қўя қолайлик.

Ўтган йили «Жаҳон» концернига 43 та дала ҳовли ажратилди. Шундан учтаси бу ташкилотга умуман алоқаси йўқ кишиларга берилган. Бири туғруқхонанинг врачи, бири «Фармация» бирлашмасининг собиқ ходими, яна бири эса Республика Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг ишчиси. Ҳаммага дала ҳовли тегади-ю, бошлиқнинг ўзи қуруқ қолармиди? Лекин, унинг ҳовлиси ҳамманикидан олдин қад кўтарди. Қўлида кўтарма кранлар-у, юк машиналари бўлганидан сўнг шу-да. Ҳа, энди пулини тўласа, ишлатса ишлатибдида, дерсиз. Қизиқ экансиз. Ҳеч ким суриштирмаганидан сўнг тўлашга ортиқча пул бормикан? Кўтарма кран ва юк машиналаридан Ж. Қодирхўжаев текинга фойдаланди. Ўтган йилнинг сентябридаги ҳисоб-китобларга қараганда 20 минг сўм тўланиши керак эди. Тафтишчилар босганида тажрибали Жаҳонгир ҳам ҳовлиқиб қолди. Олти ой олдинги 20 минг сўмни тафтиш куни, яъни 5 мартда бухгалтерияга топширди. Тафтиш бўлмаганида бу ҳол яна қачонгача чўзилиши номаълум эди.

—Чуқурроқ кириб борилса, бу концерн фаолиятидан яна кўп жиддий камчиликлар топиш мумкин эди, — дейди республика Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари Виктор Фёдоров. — Афсуски, вақтимиз озлик қилди. Лекин яна кейинроқ тафтиш қиламиз.

«Жаҳон»нинг жаҳонгашталари, албатта, қилмишларига яраша жазо тортган бўлишса керак, шунинг учун мухбир дадил гапиряпти, деб ўйларсиз. Афсуси, ушбу фельетон тўйдан кейинги ноғора эмас. Жаҳонгир Қодирхўжаев ҳали ҳам концерн президенти. Н. Азизянц эса концерндан бўшаб Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонасига жойлашди. Тўғри, у қиларини қилиб бўлди. Энди жавобни бошқалар берсин. Йўқ, Азизянц хоним, чучварани хом санаб, баъзиларнинг бошини айлантирганингиз етар. Сиз аслида баъзи бир кимсаларнинг эмас, давлатнинг бошини айлантирмоқчи бўлдингиз. Ўзингиз директорлик қилаётган Ўзбекистон—Кипр қўшма корхонасидагиларга энди қандай найрангларни ўргатяпсиз экан?

Бир мухбир сифатида хулосаларим шу. Ҳозир фирма, концерн, кичик ва қўшма корхоналарнинг сони кўпайиб кетди. Улар нима билан машғул бўлаётганликларини республика миқёсида жиддий текшириш керак. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмай фақат олди-сотди қилаётганларнинг фаолиятини чеклаш даркор. Бу ишга нафақат республика Молия вазирлиги, балки республика Давлат назорати комитети ходимлари ҳам жалб қилиниши лозим. Миллий банкдаги валюталаримиз қайси соҳаларга ва нима учун сарфланаётганлиги хусусида вақти-вақти билан ҳисобот эшитиб турилса.

«Жаҳон» концерни каби давлат мулкини суиистеъмол қиладиган ташкилотлар раҳбарларига қандай чора кўриш қонунчиларнинг иши. Сўнгги сўзни Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва суд айтади.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Lufthansa

Олмониянинг Люфтганза авиакомпанияси Тошкентдаги ваколатхонасида

йўловчиларни рўйхатга олиш, шунингдек юк ташишларни ташкил этиш бўйича

ИШГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашмоқчи бўлганларнинг ёши 25 дан ошмаган бўлиши, улар ўзбек, рус, инглиз тилларини яхши (немис тили шарт эмас) билишлари ҳамда киришимли бўлишлари керак.

Иш нормаланмаган (тунги иш).

Танловда қатнашмоқчи бўлганлар инглиз тилида ёзилган ва иш ёки хизмат телефонлари кўрсатилган таржимаи ҳолларини 14 апрелгача шахсан ўзлари тақдим этишлари даркор.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТАЙЁРАГОҲИ, 3-ҚАВАТ.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ШЕРИКЛАРГА МЕҲМОНХОНАЛАР, РЕСТОРАНЛАР, СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ВА БОШҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ИШИДА БИРГАЛИКДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: 700047, Тошкент, Хоразм кўчаси 47.

ТЕЛЕФОН: (371—2) 33-51-78, 33-82-09.

ФАКС: (371—2) 32-79-54.

ТЕЛЕКС: 116496 UZTUR — SU.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79; Термизда — 2-23-01.

Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—168. № 64.